

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ИЛМИЙ-ИННОВАЦИОН МАРКАЗИ**

ИСКАНДАРОВА САЙЁРА НУРМАМАТОВНА

**ҚЎЛЁЗМА МАТНИ ТАСВИРЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ВА ТАНИБ
ОЛИШНИНГ ГИБРИД АЛГОРИТМЛАРИ**

05.01.03 – Информатиканинг назарий асослари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Искандарова Сайёра Нурмаматовна

Қўлёзма матни тасвирларини қайта ишлаш ва таниб олишнинг гибрид
алгоритмлари 3

Искандарова Сайёра Нурмаматовна

Гибридные алгоритмы обработки и распознавания изображений рукописного
текста.....21

Iskandarova Sayyora Nurmamatomvna

Hybrid algorithms for processing and recognition of handwritten images.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....43

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.13/30.12.2019.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ИЛМИЙ-ИННОВАЦИОН МАРКАЗИ

ИСКАНДАРОВА САЙЁРА НУРМАМАТОВНА

ҚЎЛЁЗМА МАТНИ ТАСВИРЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ВА ТАНИБ
ОЛИШНИНГ ГИБРИД АЛГОРИТМЛАРИ

05.01.03 – Информатиканинг назарий асослари

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Т895 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tuit.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мухамедиева Дилноз Тулкуновна
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мирзаев Номаз
техника фанлари доктори
Бекмуродов Қосим Аллабердиевич
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «13» июль соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темуր кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2/2 рақам билан рўйхатга олинган.). (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темуր кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2021 йил «22» июнь да тарқатилди.
(2021 йил «22» июнь даги 1 рақамли реестр баённомаси.)



Handwritten signature of R. X. Hamdamov

Р. Х. Хамдамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, техника фанлар доктори, профессор

Ф. М. Нуралиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, техника фанлар доктори, доцент

О.Ж.Бабомурадов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси техника фанлар доктори

Handwritten signature of F. M. Nuraliyev

Handwritten signature of O. J. Babomuradov

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда қўлёзма матн тасвирига рақамли ишлов бериш, қўлёзма матн тасвирини босма матнга ўтказиш ҳамда қўлёзма матн тасвирини таниб олиш усул ва алгоритмларини такомиллаштириш, ишлаб чиқиш ва жорий қилишга катта эътибор қаратилмоқда. «Босма матнларни таниб олиш ечилган муаммо деб ҳисобланган бўлсада, қўлёзма матни тасвирини таниб олиш ҳали ҳам муаммоли масала ҳисобланади»¹. Қўлёзма услубидаги юқори хилма-хиллик ва босма матнга нисбатан сифатсиз қўлёзма ёзуви уни машинада ўқиладиган матнга ўтказишда катта тўсиқларни келтириб чиқармоқда. Шунинг учун ҳам кўплаб мамлакатларда, жумладан АҚШ, Япония, Испания, Германия, Буюк Британия, Франция, Россия Федерацияси, Ўзбекистон ва бошқаларда қўлёзма матни тасвирини таниб олиш моделларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш бўйича фаол илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Жаҳонда қўлёзма матни тасвирига ишлов бериш, уларни таниб олиш ва таҳлил қилиш учун автоматлаштирилган тизимлар яратишнинг мавжуд усул ва алгоритмларини такомиллаштириш ҳамда янги ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқишга йўналтирилган кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ҳозирги вақтда аллақачон рақамлаштирилиши ва таниб олиниши керак бўлган қўлда ёзилган ҳужжатларнинг умумий сонини тахмин қилиш қийин, ўрганилиши керак бўлган қўлёзма матн тасвирлари бир неча мингдан ортиқдир. Қўлёзма матнларни таниб олиш масалаларини ечишга йўналтирилган усул ва алгоритмларни яратиш масалалари тўла даражада ўрганилмаган, бу эса қўлёзма матн тасвирларини таниб олишнинг гибрид алгоритмларини ишлаб чиқиш заруратини вужудга келтиради.

Республикамызда барча иқтисодий ва ижтимоий соҳаларига ахборот-коммуникация технологияларини қўлёзма матн тасвирини таниб олишни жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017 йилда қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси президентининг қарорида, жумладан «...Ўзбекистон Республикасининг турли ташкилотларида сақланаётган араб ёзувидаги қўлёзма асарлар, тошбосма китоблар ва тарихий ҳужжатларнинг сақланиш ва таъмирланиш ҳолатини мониторинг қилиш ва уларнинг электрон базасини яратиш»² вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда қўлёзма асарларнинг босма матн электрон базасини яратиш учун қўлёзма матнлар тасвирини таниб олиш бўйича маълум натижаларга эришилди. Бу соҳада нейрон тармоқ моделларини ўқитиш асосида тарихий қўлёзма манбаларни ўрганишда араб, кирил ва лотин қўлёзмаларни таниб олиш гибрид алгоритмлари ишлаб чиқилди. Қўлёзма

¹ B. Al-Badr and S. A. Mahmoud "Survey and Bibliography of Arabic Optical Text Recognition" Elsevier Signal Processing, vol. 41, pp. 49-77, 1995.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон « қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида »ги қарори

матни тасвирларини қайта ишлаш асосида маълумотларни излаш, қайта ишлаш, сақлаш муаммолари тез ҳал қилинганлиги сабабли таниб олиш гибрид алгоритмларини ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникациялар соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 29 августдаги ПҚ-3245-сон «Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида лойиҳа бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қўлёзма матнларни таниб олиш масаласи кўп йиллар давомида бутун дунё олимларининг диққат марказида бўлиб келаётганлигига қарамадан, сўнгги йилларда ушбу мавзу бўйича илмий мақолалар сонининг мунтазам равишда ортиб бориши кузатилмоқда. Бунинг сабаби фан ва техниканинг турли масалаларини ечиш учун нейрон тармоқ моделлари ва алгоритмларини қўллаш соҳаларини узлуксиз кенгайтириши ҳисобланади. Қўл ёзма матнларни таниб олиш услубиятини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш масалаларига бир қатор олимлар: Ф.Хуссаин, С.А.Маҳмуд, С.Музаффари, Эл-Хажж, Н.Д. Горский, Моҳит Жоин, Р.Манматҳа, Х. Ал-Ёусефи ва бошқа муаллифларнинг ишлари бағишланган. Ушбу олимларнинг ишларида қўлёзма матнларнинг сегментациялаш алгоритмлари, таниб олишда RNN (Recurrent neural network), CNN (Convolutional neural network), LSTM (Long short-term memory), CTC (Connectionist temporal classification) нейрон тармоқларининг турли хил гибрид ҳолатидаги натижалари олинган.

Ўзбекистонда маълумотларни интеллектуал таҳлил қилиш ва таниб олиш масалаларида М.М.Камилов, Ш.Х.Фозилов, Н.А.Игнатъев, Д.Т.Мухамедиева, М.М.Мусаев, Н.С.Маматов тадқиқотлар олиб борганлар ва бу соҳани ривожлантиришда ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Ҳозирги кунда қўлёзма матни тасвирларини таниб олишда тасвирга дастлабки ишлов бериш, сегментларга ажратиш, ўрамли нейрон тармоғи, рекуррент нейрон тармоқлар ва норавшан тўпламлар назариясини қўллаган ҳолда қўлёзма матни тасвирини қайта ишлаш ва таниб олишга қаратилган илмий тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион марказининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-5-006 «Мониторинг ҳамда қарор қабул қилишнинг гибрид интеллектуал тизимларини қуриш учун алгоритм ва дастурларни ишлаб чиқиш» (2015-2017); БВ-В-Ф4-011 «Ноаниқлик шароитларида маълумотларни интеллектуал таҳлилининг норавшан-нокоррект масалаларини ечиш усул ва алгоритмлари» (2017-2020) мавзулардаги илмий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўрамли нейрон тармоғи, рекуррент нейрон тармоқлар ва норавшан тўпламлар назариясини қўллаган ҳолда қўлёзма матн тасвирини қайта ишлаш ҳамда таниб олишнинг гибрид алгоритмларини такомиллаштириш ва ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

қўлёзма матн тасвирини таниб олиш алгоритмларини таҳлил қилиш асосида масаланинг қўйилишини аниқлаш ва қўлёзма матн тасвирларини таниб олишда фойдаланиладиган маълумотлар тўпламини шакллантириш;

қўлёзма матн тасвирига дастлабки ишлов беришда норавшан тўпламлар назарияси асосида такомиллаштириш;

қўлёзма матн тасвири учун қатор сегментациялаш алгоритминини ишлаб чиқиш;

қўлёзма матн тасвирини таниб олишда CNN+LSTM+fuzzyCTC гибрид нейрон тармоғи архитектурасини ишлаб чиқиш;

қўлёзма матн тасвирларини таниб олувчи дастурий таъминот ишлаб чиқиш, ишлаб чиқилган алгоритм ва дастурлар самарадорлигини баҳолаш бўйича ҳисоблаш экспериментларини ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида турли хил шаклларда ёзилган қўлёзма матн тасвирлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини қўлёзма матн тасвири асосида тимсолларни таниб олиш усули ва алгоритми ҳамда дастурий таъминоти ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Ишнинг назарий тадқиқотлари математик таҳлил, тимсолларни аниқлаш, норавшан тўпламлар назарияси, нейрон тўрлар усуллари, шунингдек тасвирларни қайта ишлаш усуллари, нейрон тармоқлари асосида ўқитиш алгоритмлари, ечимларни таққослаш усул ва алгоритмларига асосланган, башоратлашнинг компьютерли моделидан тажрибалар асоси сифатида фойдаланилган ҳамда тадқиқ қилинган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қўлёзма матн тасвирига ишлов беришда норавшан тўпламлар назарияси асосида тасвир контрастинини чизикли адаптив ошириш алгоритми такомиллаштирилган;

норавшан тўпламлар назарияси асосида қўлёзма матни тасвирига ишлов бериш жараёнида тасвир локал контрастларни ночизикли ўзгартириш алгоритми такомиллаштирилган;

қўлёзма матни тасвирини қатор сегментациялаш алгоритми қатор оғишини ҳисобга олган ҳолда энг қисқа масофани аниқловчи (A^*) алгоритми ёрдамида такомиллаштирилиб ишлаб чиқилди;

ўрамли нейрон тармоқ (CNN), узун қисқа нейрон тармоғи (LSTM) ва норавшан тўпламлар назарияси ёрдамида такомиллашган вақтинча таснифли уланишлар (fuzzyCTC) ҳисобига қўлёзма матн тасвирини таниб олишда гибрид нейрон тармоғи архитектураси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қўлёзма матн тасвиридаги халақитларни камайтириш, силлиқлаш, нормаллаштириш, сегментлаш ва таниб олиш масалаларини ечиш учун дастлабки ишлов бериш ҳамда қўлёзма матни тасвирини таниб олиш CNN+LSTM+ fuzzyCTC гибрид нейрон тармоғи қуриш алгоритмлари ишлаб чиқилди;

мавжуд ҳамда ишлаб чиқилган алгоритмларга асосланган қўлёзма матни тасвирига дастлабки ишлов бериш ва таниб олиш дастурий мажмуаси ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги алгоритмларни ишлаб чиқишда қўлёзма матн тасвирларига ишлов бериш ва тимсолларни таниб олишнинг математик аппаратининг тўғри қўлланилиши ҳамда реал ва тажриба синовида ечимларни солиштириш жараёнида модел адекватлиги таъминланганлиги билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти норавшан муҳитда қўлёзма матн тасвирларига дастлабки ишлов бериш алгоритмларини яратишдан иборат бўлиб, қўлёзма матн тасвирларини таниб олиш имконини бериш билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган алгоритмлар ва яратилган дастурий воситалар қўлёзма матн тасвирлари билан шуғулланувчи фойдаланувчилар томонидан таниб олишга кўмаклашувчи тизимларни ривожлантиришда қўллаш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қўлёзма матни тасвирларини таниб олишнинг гибрид алгоритми асосида яратилган қўлёзма матнларни таниб олиш дастурий воситалари ёрдамида:

(A^*) алгоритмига асосланиб қўлёзма матн тасвирларини қатор сегментациясини такомиллаштириш асосида ишлаб чиқилган дастурий мажмуа Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси қўлёзмалар фондига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 09 февралдаги 33-8/929-сон маълумотномаси). Ишлаб чиқилган қўлёзма матнлар сегментацияси учун қатор сегментациялаш алгоритмини қўллаш натижасида 70-80% таниб олишга ва 10% иш самарадорлигини ошириш имконини берган;

норавшан тўпламлар назарияси асосида такомиллаштирилган гибрид нейрон тармоқ асосида яратилган қўлёзма матн тасвирини таниб олиш дастурий мажмуаси Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқот маркази фондида жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 09 февралги 33-8/929-сон маълумотномаси). Қўлёзма матн тасвирларини босма шаклга ўтказиб, 70-80% аниқликда таниб олиш натижаларига эришилган. Қўлёзма матнларни таниб олиш орқали маълумотларни қайта ишлаш ва излаб топиш самарадорлигини 10% ошириш имконини берган;

қўлёзма матн тасвирларини халақитларни камайтириш норавшан тўпламлар назарияси асосида такомиллаштирилган алгоритмлари Ички Ишлар вазирлиги Малака ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида жорий қилинган (Ички ишлар вазирлигининг 2020 йил 14 ноябрдаги 02/3842-сон маълумотномаси ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 09 февралдаги 33-8/929-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида такомиллаштирилган қўлёзма матн тасвирларига дастлабки ишлов бериш асосида 80-90% аниқликда таниб олишга эришилган ва натижа иш самарадорлигини 15% га ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқотнинг асосий натижалари 18 та илмий ишларда эълон қилинган, улардан 7 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, 4 таси хорижий журналларда ва 3 таси республика журналларида нашр қилинган, ҳамда 3 та ЭҲМ учун дастурларни расмий рўйхатдан олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловадан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 111 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Киришда диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган ҳамда тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш ҳолати, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Қўлёзма матни тасвирларини таниб олишнинг аналитик таҳлили» деб номланган биринчи боби қўлёзма матнларни таниб олишда хорижий олимларнинг олиб борган тадқиқотлари таҳлил қилинган. Марков моделлари ишлаш принципларининг алгоритми камчиликлари таҳлил қилинган, персептрон кўп қатламли персептрон, ресуррент нейрон тўрлар моделлари таҳлил қилиниб, улардаги юзага келиши мумкин бўлган камчиликлари ўрганилган. Шу вақтгача мавжуд қўлёзма матнларни таниб олиш дастурлари таҳлил қилинган. Қўлёзма матнларни таниб олишнинг мавжуд муаммолари таҳлил қилинган ва масалалар қўйилиши шакллантирилган.

Ҳозирги кунда кўп қатламли нейрон тармоқ, рекурруент нейрон тармоқ уларнинг кенгайтмалари қарорларни қабул қилишда ўзига хос хусусияти туфайли замонавий қўлёзмаларни таниб олиш тизимларининг муҳим босқичини ақс эттирилган. Бундай таниш моделлар ЯММ(Яширин Марков модел)идан фарқли равишда, дискриминациялайдиган таниб олиш моделлар тоифасига киради.

ЯММга асосланган таниб олиш моделлар учун Витерби тўғридан-тўғри ва тескари йўналишли алгоритмлари каби кутишни максимал даражага кўтариш алгоритмлари ёрдамида таниб олиш моделларини ўқитиш мумкин. Шу билан бирга таниб олиш нейрон тармоқ моделлари тескари тарқатиш, вақт бўйича тескари тарқатиш ва СТС ўрганиш алгоритми каби градиент тушиш алгоритмлари ёрдамида ўрганилиши мумкин. Рекуррент нейрон тармоқлари асосида таниб олиш тизимлари қўлёзмаларни таниш бўйича адабиётларда айтиб ўтилганидек, ЯММ асосидаги тизимларга қараганда яхшироқ ишлаши таҳлил қилиниб чиқилди.

Таҳлиллар натижасидан келиб чиқиб қўлёзма матн тасвирини таниб олиш масаласини ечишда мавжуд усулларига нисбатан самара берувчи интеллектуал гибрид алгоритмларни ишлаб чиқиш зарур. Шу сабабли қўлёзма матн тасвири тасвирига дастлабки ишлов бериш алгоритмларини такомиллаштириш, матнни самарали таниб олишда сегментация масалаларини ечиш алгоритмларини ишлаб чиқиш, қўлёзма матн тасвирини таниб олиш масалаларни ечишнинг гибрид алгоритмларини такомиллаштиришни келтириб чиқаради.

Диссертациянинг «Қўлёзма матни тасвирларини таниб олишда дастлабки ишлов бериш ва сегментациялаш алгоритмларини ишлаб чиқиш» иккинчи бобида қўлёзма матнида тасвирни дастлабки ишлов беришда норавшан алгоритми ёрдамида такомиллаштирилган. Қўлёзма тасвирни дастлабки ишлов беришда фильтрация алгоритмлари ёритилган. Сегментация қилиш масалаларини ечиш учун алгоритм ва ёндашувлар ишлаб чиқилган. Тасвирга қайта ишлов бериш алгоритмлари учун одатда тасвирни қайта ишлаш ва шовқиндан тозалаш орқали тасвир сифати оширилади. Тасвирни қайта ишлаш масалаларида кўплаб норавшан алгоритмлардан фойдаланилади. Ушбу алгоритмлар тасвир шовқинини самарали олиб ташлашга хизмат қилади.

Тасвир ёркинлигини оширишда норавшан математик аппарат ёрдамида такомиллаштириш орқали тасвир тиниклигини ошириш амалга оширилди.

Тасвирларни контрастини чизиқли адаптив ошириш алгоритмини такомиллаштириш амалга оширилган.

Тасвирларнинг асосий камчиликлари, аксарият ҳолларда, бузилган ёркинлик хусусиятлари ва паст контрастдир.

Маҳаллий контрастни мослашувчан ўзгартириш усуллари белгиланган талабларга жавоб беради. Бунинг учун қуйидаги белгилар қўлланилади:

$F, f(x, y)$ - (x, y) координатага мувофиқ дастлабки тасвир ва унинг элементи;

$C(x, y)$ - (x, y) координатали тасвир элементининг контрасти;

$G(C(x, y))$ - ўзгартирилган контраст $C(x, y)$ қиймати;

ε, σ, h - локал жойлар хусусиятлари (ε - энтропия, σ - ўртаквадратик оғиш, h - гистограмма кўлами функцияси);

$g(x, y)$ - (x, y) координатали қайта ишланган тасвир элементи.

Тасвир контрастини чизиқли адаптив ошириш алгоритми:

1-қадам. Нормаллаштириш:

$$u(x, y) = l \frac{f(x, y) - f_{\min}}{f_{\max} - f_{\min}}.$$

2-қадам. Фаззификация:

$$\mu_F^i(x, y) = \frac{1}{1 + \frac{u(x, y) - c_i}{\sigma_f}}, \quad i = \overline{1, k}.$$

3-қадам. Фаззификацияни аниқлаштириш:

$$\mu_F^i(x, y) = \begin{cases} 2(\mu_F^i(x, y))^2, & 0 \leq \mu_F^i(x, y) \leq \frac{1}{2}, \\ 1 - 2(1 - \mu_F^i(x, y))^2, & \frac{1}{2} < \mu_F^i(x, y) \leq 1. \end{cases}$$

4-қадам. $f \in \{0, \dots, L-1\}$ билан $h_F(f)$ кетма-кетлиги бўйича рақамли тасвирнинг норавшан гистограммаси аниқланади:

$$h_F(f) = \left\| \left\{ \langle (x, y), \mu_F(f) \rangle \mid x \in \{1, \dots, M\}, y \in \{1, \dots, N\} \right\} \right\|,$$

бу ерда $\|\cdot\|$ норавшан тўплам элементлари сонини билдиради.

Бундан ташқари, $h_F(f)$ - "тахминан g " ёркинлик даражасининг пайдо бўлиш частотаси. Аммо, унинг таърифи туфайли норавшан гистограмма эҳтимоллик зичлиги функцияси бўлиб қолмайди.

5-қадам. Нормаллашган гистограмма аниқланади:

$$\bar{h}_F(f) = \frac{h_F(f)}{\sum_{f=0}^{L-1} h_F(f)},$$

бу ерда $f \in \{0, \dots, L-1\}$.

6-қадам. Тасвирнинг дискрет интенсивлигини аниқлайдиган f - синглтон, $h_f(f(x,y))$ - гистограмманинг мос қийматлари бўлсин. W маҳаллий жой элементлари ёрқинлигининг ўртача қийматига нисбатан $f(x,y)$ нинг n -моменти қуйидаги формула билан белгиланади:

$$M_n(f) = \sum_{(x,y) \in W} \left(f(x,y) - \frac{\sum_{i=1}^k f_i(x,y) \cdot \mu'_F(x,y)}{\sum_{i=1}^k \mu'_F(x,y)} \right)^n h_f(f(x,y)).$$

7-қадам. Контраст ўлчами қуйидаги ифода билан аниқланади:

$$C(x,y) = 1 - \frac{1}{1 + k \frac{\sum_{j=1}^n [f_j - M[f_j]]^2 \mu_j}{\sum_{j=1}^n \mu_j}}, \quad (1)$$

$C(x,y)$, (1) ифодага мувофиқ, доимий интевсивликка эга жой учун нолга тенг, шунингдек $\sigma^2(L)$ нинг катта қийматлари учун 1 га тенг. Ушбу (1) ифоданинг хоссаси локал контрастни аниқлаш талабларига тўлиқ жавоб беради.

8-қадам. F норавшанлик ўлчами кўринишида Шеннон энтропияси билан ўхшашлиги бўйича аниқланиши мумкин:

$$\varepsilon(\mu_F) = -a \sum_{i=1}^n \{ \mu_F(f_i) \ln \mu_F(f_i) + [1 - \mu_F(f_i)] \ln [1 - \mu_F(f_i)] \}.$$

9-қадам. $C(x,y)$ локал контрастни чизиксиз ўзгартириш амалга оширилади.

$$C^*(x,y) = C(x,y)^{\alpha_{\min} + (\alpha_{\max} - \alpha_{\min})(\varepsilon(x,y) - \varepsilon_{\min}) / (\varepsilon_{\max} - \varepsilon_{\min})^s}.$$

Бу ерда α даража кўрсаткичнинг минимал α_{\min} ва максимал α_{\max} қийматлари бериледи. Мослашув сирпаниш маҳаллий элементлари ёрқинлигининг энтропияси ε қийматлари асосида уни аниқлаш орқали α_{\min} га қўшимча атама ҳосил қилишдан иборат.

10-қадам. (x,y) координаталар билан $g(x,y)$ элементни янги қийматини аниқлаш йўли билан тасвир тикланади. Бунинг учун (1) формуладан аниқланувчи ифодадан фойдаланамиз:

$$g(x,y) = f(x,y) + \left(\frac{C^*(x,y) * n * m}{1 - C^*(x,y)} - \sum_{\forall (x,y) \in W_2 - W_1} \left(\frac{\sum_{i=1}^k f_i(x,y) \cdot \mu'_F(x,y)}{\sum_{i=1}^k \mu'_F(x,y)} - f(x,y) \right)^2 h_f(f(x,y)) \right)^{0,5}.$$

Ҳар бир тасвир элементи учун тавсифланган процедура такрорланади

Тавсия этилган усулда маҳаллий қарама-қаршиликларнинг статистик аниқланиши қўлланилади, бунда текстуранинг бир хиллиги, дағаллиги ва донадорлиги каби хусусиятлари ҳисобга олинади. Шунинг учун бу усул кичик деталларни ўз ичига олган расмларни қайта ишлаш учун тавсия этилади.

Локал контрастларни нозизиқли ўзгартириш алгоритмини такомиллаштириш тартиби келтирилиб ўтилган.

Норавшан муҳитда тасвирланган F тасвири қуйидагича:

$$F = \{ \langle f(x, y), \mu_F(f(x, y)) \rangle \mid f(x, y) \in \{0, \dots, L-1\} \},$$

бу ерда $x \in \{1, \dots, M\}$, $y \in \{1, \dots, N\}$, $\mu_F(f(x, y))$ тасвир хоссаларига мос тўпламга (x, y) -нинг пикселнинг мувофиқ тегишлилик даражасини аниқлайди.

Локал контрастни нозизиқли ошириш алгоритми қуйидаги қадамларни бажариш билан амалга оширилади:

1-қадам. Локал контрастни миқдорий ўлчамини аниқлаш.

8-битли кулранг рақамли тасвирнинг контрастини тавсифлаш учун иккита формула таклиф этилади:

Локал контрастни ҳисоблаш:

$$C(x, y) = (C_{\max} - C_{\min}) / 255.$$

Глобаль контрастни ҳисоблаш:

$$C(x, y) = \left(\frac{\sum_{j=1}^n [f_j - M[f_j]]^2 \mu_j}{\sum_{j=1}^n \mu_j} \right)^{0.5} / 255,$$

бу ерда C_{\max} , C_{\min} – пикселлар жойларида ёрқинликни максимал ва минимал қийматлари.

Турли даражадаги силлиқликка эга бўлган бир нечта жойларни кўриб чиқинг:

а) ёрқинлиги бир хил бўлган локал жой (бир хил жой);

б) элементлари диапазоннинг қарама-қарши учларида жойлашган ёрқинлик қийматларига эга бўлган локал жой (шартли равишда иккитомонлама қўшни);

с) ёрқинлиги бир хил бўлмаган ва диапазоннинг чеккаларида бўлмаган элементларни ўз ичига олган локал жой.

Юқоридаги турдаги жойлар локал хусусиятларнинг ҳар хил қийматлари билан тавсифланади. Буни энтропия, гистограмма узунлиги функцияси ва стандарт оғиш мисолида батафсил кўриб чиқилади.

2-қадам. Гистограмма ифода билан ҳисобланадиган узунлик функциясини аниқлаш

$$h_F(x, y) = \frac{f_{\max} - f_{\min}}{h_{\max}},$$

бу ерда f_{\min}, f_{\max} - координаталари (x, y) бўлган элемент марказида жойлашган сирпанувчи W жойда минимал ва максимал ёрқинлик қийматлари;

h_{\max} - координаталари (x, y) бўлган элемент марказида жойлашган сирпанувчи W жой гистограммасининг максимал қиймати.

Локал жойнинг бу хусусияти бир хил ҳудудларда минимал қийматларни, иккилик майдонларда максимал қийматларни олади.

3-қадам. Локал қарама-қаршиликларнинг трансформация даражасини гистограмма функциялари бўйича аниқлаш:

$$\alpha_1 = (\alpha_{\min} - \alpha_{\max}) \left(1 - \exp\left(-\frac{(h_F - a)^2}{2\pi^2}\right) \right)^s,$$

бу ерда $s > 0$, $a \in [0; 1]$ кесмадаги ўзгармас сон.

4-қадам. $n \times m$ ўлчамлар билан сирпаниувчи локал жойда норавшан энтропияни қуйидаги ифода бўйича аниқланади:

$$\varepsilon(\mu_F) = -a \sum_{i=1}^n \{ \mu_F(f_i) \ln \mu_F(f_i) + [1 - \mu_F(f_i)] \ln [1 - \mu_F(f_i)] \} / \log(nm), \quad (2)$$

бу ерда $a \in [0; 1]$ кесмадаги ўзгармас сон;

$\mu_F(f_i)$ қуйидагича ҳисобланади:

$$\mu_F(f_i) = h_F(f_i(x, y)) / (n \times m)$$

Бу ерда: $h_F(f_i(x, y))$ - (x, y) координатали элементнинг ёрқинлиги катталиги учун W (W жойда $f_i(x, y)$ ёрқинлик билан элементлар миқдори) локал жой гистограммаси қиймати.

(2) ифодага мувофиқ, ноаниқ энтропия бир хил соҳаларда максимал қийматга, минимал қиймат эса ёрқинлиги диапазоннинг қарама-қарши чегараларида жойлашган элементларга эга майдонларда олинади.

5-қадам. Локал контрастларни α_2 норавшан энтропия билан ўзгартириш даражасини аниқлаш:

$$\alpha_2 = \alpha_{\min} + (\alpha_{\max} - \alpha_{\min}) \left(\frac{\varepsilon(\mu_F) - \varepsilon_{\min}}{\varepsilon_{\max} - \varepsilon_{\min}} \right)^s,$$

бу ерда $s > 0$.

6-қадам. W сирпанувчи жой элементларини ёрқинлик қийматларини ўртача квадратик оғишини аниқлаш:

$$\sigma(x, y)_F = \sqrt{\frac{1}{nm} \frac{\sum_{j=1}^n [f_j - M[f_j]]^2 \mu_j}{\sum_{j=1}^n \mu_j}}, \quad (3)$$

бу ерда $M[f_j]$ - (x, y) координатали $M[f_j(x, y)]$ элемент марказида W жой элементларини ёрқинлик қийматларини норавшан ўрта арифметиги қуйидагича ҳисобланади:

$$M[f_j] = \frac{1}{NM} \sum_{x=1}^N \sum_{y=1}^M f_j(x, y),$$

бу ерда N, M - $(x = \overline{1, N}, y = \overline{1, M})$ тасвир ўлчамлари.

(3) - ифода бир хил жойлар учун нолга тенг ва бир хил бўлмаганлиги ортиши билан ортади.

7-қадам. Ёрқинлик қийматларининг норавшан стандарт оғиши билан локал α_3 контрастларнинг конвертация даражасини аниқлаш:

$$\alpha_3 = \alpha_{\min} \sigma(x, y) + \alpha_{\max} (1 - \sigma(x, y)_F^s),$$

бу ерда $s > 0$.

$$8\text{-қадам. } \alpha = \max(\alpha_1, \alpha_2, \alpha_3)$$

9-қадам. Локал контрастнинг маълум миқдорий ўлчовининг маълум қонунига мувофиқ ўсиш.

Локал контрастнинг нозикли ўзгартириш учун қуйидаги ифодадан фойдаланилади:

$$C^*(x, y) = \begin{cases} B_0 + \left(\frac{R}{2} - A_0\right) \left(\frac{C(x, y) - C_{\min}}{\hat{C} - C_{\min}}\right)^\alpha & C(x, y) \leq \hat{C}, \\ R - A_0 - \left(\frac{R}{2} - A_0\right) \left(\frac{C_{\max} - C(x, y)}{C_{\max} - \hat{C}}\right)^\alpha & C(x, y) > \hat{C}, \end{cases}$$

бу ерда

$C(x, y)$ - координаталари (x, y) бўлган асл тасвир элементининг локал контрасти қиймати,

$C^*(x, y)$ - координатали (x, y) тасвир элементининг локал контрастининг яхшиланган қиймати;

R - локал контрастнинг мумкин бўлган максимал қиймати $P=1$;

C_{\min}, C_{\max} - асл тасвирнинг локал контрастининг максимал ва минимал қийматлари;

\hat{C} - локал контраст қийматларнинг математик кутилишини баҳолаш (масалан, тасвир элементларининг локал контрастларининг ўртача арифметик қиймати);

A_0, B_0 - доимий силжиш коэффициентлари;

α - кўрсаткич ($\alpha < 1$).

10-қадам. Ўзгарган тасвир элементини локал контрасти билан тиклаш.

Қатор сегментациясини аниқлашда алгоритм ҳар бир қадамда йўқотишларларни ҳисоблаб чиқади, бу норасмий равишда идеалга қараб йўлнинг оғишини ўлчайди. Йўқотишлар функциясини шакллантирилиши муаммосиз давом этиш ва уланиш принципларига амал қилади. Йўлнинг умумий қиймати ҳар бир қадамнинг индивидуал йўқотишлари йигиндисидир.

Диссертация ишининг «Қўлёзма матни тасвирларини таниб олишнинг гибрид нейрон тўри архитектурасини ишлаб чиқиш» деб номланган учинчи бобида қўлёзма матни тасвирларини таниб олишнинг CNN+LSTM+fuzzyCTC гибрид нейрон тармоқ архитектураси таклиф этилган. FuzzyCTC да чиқиш қийматларини берилади. Loss дастур хатолигига қараб натижалар олиниши кутилади. Юқорида келтирилган ҳарфларни ажратишда fuzzy ни Loss қийматни ҳисоблашда фойдаланилган. Йўқотиш функцияси Loss чекланган маълумотлар базасида жуда яхши ишламайди. Бунинг сабаби шундаки, норавшан тўпламларнинг баъзилари жуда кичик, бошқалари эса жуда катта бўлган қийматларда яхши натижага эришиши мумкин. Loss функциясининг қийматини камайтиришда норавшан тегишлилик функцияларидан фойдаланилган. Ўқитишнинг моҳияти қуйидаги нейро-норавшан аппроксимациялар натижаси ва объектнинг ҳақиқий хусусиятлари ўртасидаги фарқни энг кам даражага келтирувчи вазнларини танлаб олишдан иборат:

$$\hat{y} = f_j(x_1, x_2, \dots, x_n). \quad (4)$$

Ўқитиш учун нейрон тўрлари назариясида қўлланилувчи

$$E = \frac{1}{2} \sum_{j=1}^M (y_j - \hat{y}_j)^2 \rightarrow \min,$$

мезонни минималлаштирувчи қуйидаги рекуррент муносабатлар тизимидан фойдаланилади:

$$w_{jp}(t+1) = w_{jp}(t) - \mu \frac{\partial E_t}{\partial w_{jp}(t)},$$

$$c_i^{jp}(t+1) = c_i^{jp}(t) - \eta \frac{\partial E_t}{\partial c_i^{jp}(t)},$$

$$b_i^{jp}(t+1) = b_i^{jp}(t) - \eta \frac{\partial E_t}{\partial b_i^{jp}(t)},$$

$$j = \overline{1, m}, i = \overline{1, n}, p = k_j,$$

бу ерда:

\hat{y}_j ва y_j - объект (4) нинг ўқитишнинг j -қадамидаги назарий ва тажрибавий чиқишлари;

$w_j^p; c_i^{jp}, b_i^{jp}$ - қоидалар вазнлари (w) ва ўқитишнинг t -қадамидаги тегишлилик функцияларининг параметрлари (b, c);

η - тавсияларга мувофиқ танлаб олинishi мумкин бўлган ўқитиш параметри;

$\bar{d}_j - d_j \in [\underline{y}, \bar{y}]$ синф маркази.

Қоидалар вазнлари ўқитилади:

$$w_{jp}(t+1) = w_{jp}(t) - \mu(y_t - \hat{y}_t) \frac{\bar{d}_j \sum_{j=1}^m \mu^{d_j}(y) - \sum_{j=1}^m \bar{d}_j \mu^{d_j}(y)}{\left(\sum_{j=1}^m \mu^{d_j}(y) \right)^2} w_{jp} \prod_{i=1}^n \mu^{jp}(x_i).$$

Қоидага ўхшаш тарзда нейро-норавшан тўрни ўқитиш алгоритми ҳам икки босқичдан ташкил топади. Биринчи босқичда объект (y_j) чиқиш тўрининг берилган архитектурасига мос бўлган модел қиймати ҳисобланади.

Диссертация ишининг “Қўлёзма матни тасвирларини таниб олиш алгоритми, дастури ва натижалар таҳлили” деб номланган тўртинчи бобида CNN+LSTM+fuzzyCTC гибрид алгоритми асосида функционал схемаси яратилди ва солиштирма эксперимент натижалар олинди. Дастурий таъминот python муҳитида яратилган. Нейрон тармоқлар учун муҳим бўлган маълумотлар тўплами ҳам келтирилиб ўтилган. Маълумотлар тўплами тасвирлар асосида ва улардан ўқитилиб ҳосил қилинган маълумотлар json файли имкониятлари асосида алоҳида секторларга ажратилиб сақланиб борилган. CNN+LSTM+fuzzyCTC гибрид нейрон тармоғи худди шу каби бир хил параметрдаги яқин структурадаги CNN+LSTM+CTC нейрон тармоқ структураси билан солиштирма таҳлил натижалари келтирилган.



1-расм. Қўлёзма матни тасвирларини таниб олишнинг гибрид алгоритм функционал схемаси

CNN+LSTM+fuzzyCTC гибрид нейрон модел асосида яратилган дастурий воситасида қуйидаги (1-жадвал) маълумотлари асосида ўқитилиб, таниб олиш моделлари ҳосил қилинган.

1-жадвал

Қатор сегментацияга эга ўқитиладиган маълумотлар тўплами

№	Ўқитилган китоб номи	Ўқитилган қатор сони
1	Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ (эски ўзбек ёзувида)	463
2	Ибн Атхир.Камил	1191
3	Ибн ФакихҲамадхани.Булдан	2194
4	Ибн Қутайба.Адаб	1185
5	Гулистан	1644
6	Калилеҳ	1017
7	Модел 1	7914
8	Лотин гарфикаси хатлари модел 1	851
9	Кирил графикаси хатлари модел 2	915

HDF5 файллари бизга маълумотлар турини ҳисобга олмасдан структура асосида сақлаш имкониятини яратиб беради. Бу бошқа дастурлаш тилларида чекланган имкониятни кенгайтиришга хизмат қилади.

Ҳар 100 қадамдан модел ҳосил қилиниш жараёнида Loss қиймат 0.01 га тенг бўлган натижа олинди. Бу эса таниб олиш учун ҳар битта ҳарфнинг модели ҳосил қилинганлигини билдиради.

Ўқитилган маълумотларнинг CNN + LSTM+CTC ва CNN+LSTM+fuzzy CTC гибрид нейрон моделларининг солиштирма таҳлилини 2-жадвалда келтирамиз.

2-жадвал

Қўлёзма матни тасвирларини CNN+ LSTM +CTC таниб олиш солиштирма таҳлили

№	Китоб номи	CNN+LSTM+CTC	CNN+LSTM+FuzzyCTC
1	Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ (эски ўзбек ёзувида)	65	88
2	Ибн Атхир Камил	75	90
3	Ибн Қутайба Адаб	70	92
4	Гулистан	65	91.3
5	Калилех	64	89
6	Модел_1	72	95
7	Лотин гарфикаси хатлари модел_1	78	88
8	Кирил графикаси хатлари модел_2	76	90

CNN дан фойдаланиш орқали ҳам тўлиқ натижага эришиш мураккаблигини кузатдик, CNN+ LSTM +CTC моделда тил грамматикасида ҳам 65-76 фоиз таниб олиш натижаларига эришилди. Сўзлар тартиби билан ҳам таниб олишда кўплаб камчиликларга олиб келиниши кузатилди. Нуқталар тартиби ажратиб олишда уларнинг градиентини чиқариб олишда тегишлилик функцияси ёрдамида CNN+LSTM+fuzzyCTC модели орқали таниб олиш фоизини ошириш мумкинлигини 2-жадвалдан кўриниб турибди. Шунини алоҳида таъкидлаб айтиш жоизки, тасвирни таниб ҳарфлар олинганда тил грамматикаси, сўзлар тартиби, тавсия ва баҳолашнинг юқори даражада самарадорлигига олиб келинади.

Ушбу олинган натижалар настаълиқ хатида ёзилган, насрий асарлар учун мўлжалланган. Чунки араб графикасига 7 хил ёзув тури мавжуд бўлиб, бизнинг олган натижаларимиз настаълиқ хати учун мўлжалланган.

ХУЛОСА

«Қўлёзма матни тасвирларини қайта ишлаш ва таниб олишнинг гибрид алгоритмлари» мавзусида олиб борилган диссертация тадқиқотининг асосий натижалари қуйидагилардан иборат:

1. Қўлёзма матни тасвирини таниб олиш муаммоларининг замонавий ҳолати таҳлил қилинди. Олиб борилган таҳлил натижалари қўлёзма матн тасвирини таниб олиш параметрларини аниқлашга ва таниб олиш масалаларини шакллантиришга имкон берди.

2. Тасвирга ишлов бериш алгоритмлари норавшан тўпламлар назарияси асосида такомиллаштирилди ва қўлёзма матни тасвирларини таниб олишдаги аниқлиги оширилди. Бу эса ўз навбатида тасвирдаги ҳалакитларнинг камайиши имконини берди.

3. Қўлёзма матни тасвирларини қатор сегментациясига ажратиш жараёнида A^* усули ёрдамида қатор оғишини аниқлаш алгоритми ишлаб чиқилди. Бу алгоритм қатор оғишида қаторларни тўғри ажратиб олишга имкон берди.

4. Қўлёзма матнларни таниб олишда араб, кирил, лотин графикаси учун CNN+LSTM+fuzzyCTC гибрид нейрон тўр архитектураси ишлаб чиқилди. Бу алгоритм орқали қатор сегментацияси натижасида олинган элементлар ўқитилиб, тил грамматикаси ва сўзлар мослиги норавшан тўпламлар назарияси орқали мослаштирилди. Ушбу гибрид нейрон тўр таниб олиш фойзининг ошириш имконини берди.

5. Қўлёзма матни тасвирларини таниб олиш алгоритмлари ва дастури яратилди. Дастур асосида қўлёзма матни тасвирларини таниб олиш солиштирма таҳлиллари амалга оширилди. Етарлича маълумотлар тўплами ташкил этилганда қўлёзма матнларни таниб олиш жараёнида 90 фоизли таниб олиш натижаларига эришилди.

6. Вақтинча таснифли уланиш курсив ёзувидаги ўзгаришларни норавшан тўпламлар назарияси ёрдамида такомиллаштириш гибрид нейрон тармоқ хатолигининг камайиш имконини берди.

7. Қўлёзма матнларни таниб олиш дастурий воситаларни жорий қилинишида Ички Ишлар вазирлиги Малака ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказидаги қўлёзма архив материалларини таниб олиш жараёнида жорий қилинган. Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси қўлёзмалар фондида мавжуд китобларни таниб олишда, Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқот маркази фондида мавжуд китобларни таниб олишда ва электрон шаклга ўтказиш жараёнида жорий қилинган. Яратилган алгоритм ва дастур тасвир кўринишидаги қўлёзма матнларни босма шаклга ўтказиб 70-90 фоизли таниб олиш натижаларига эришилган. Қўлёзма матнларни таниб олиш орқали маълумотларни қайта ишлаш ва излаб топиш осонлаштирилган. Иш самарадорлиги 10 фоизга ошириш имконини берди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

**НАУЧНО-ИННОВАЦИОННЫЙ ЦЕНТР ИНФОРМАЦИОННО-
КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

ИСКАНДАРОВА САЙЁРА НУРМАМАТОВНА

**ГИБРИДНЫЕ АЛГОРИТМЫ ОБРАБОТКИ И РАСПОЗНАВАНИЯ
ИЗОБРАЖЕНИЙ РУКОПИСНОГО ТЕКСТА**

05.01.03 - Теоретические основы информатики

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2020.4.PhD/T895.

Диссертация выполнена в Научно-инновационном центре информационно-коммуникационных технологий при Ташкентском университете информационных технологий.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tuit.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Мухамедиева Дилноз Тулкуновна
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: Мирзаев Номаз
доктор технических наук

Бекмурадов Касим Аллабердиевич
Кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация: Самаркандский Государственный Университет

Защита диссертации состоится «13» июля 2021 г. в 9⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.T.07.01 при Ташкентском университете информационных технологий. (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий (регистрационный номер №212). (Адрес: 100202, г.Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-65-44).

Автореферат диссертации разослан «28» июня 2021 года.
(протокол рассылки № 1 от «22» июня 2021 г.).



Р.Х.Хамдамов
Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, доктор технических наук, профессор

Ф.М.Нуралиев
Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, доктор технических наук, доцент

О.Ж.Бабомурадов
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней

Handwritten signature and initials.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире большое внимание уделяется вопросам усовершенствования методов и алгоритмов цифровой обработки изображения рукописного текста, перевода рукописного текста в печатную форму, а также распознаванию изображения рукописного текста. «Хотя распознавание печатных текстов считается решенной проблемой, распознавание изображения рукописного изображения до сих пор считается проблемной задачей»³. Широкое разнообразие в рукописном методе и некачественная рукописная запись выдвигает большие границы при переводе ее в текст читаемый на компьютере. Поэтому, во многих странах, в частности в США, Японии, Испании, Германии, Великобритании, Франции, Российской Федерации, Узбекистане ведутся активные научные исследования по разработке и внедрению моделей распознавания изображений рукописного текста.

В мире ведутся широкомасштабные работы направленные на разработку новых вычислительных алгоритмов и усовершенствование существующих методов распознавания и анализа, обработки изображений рукописного текста. На сегодняшний день трудно спрогнозировать общее количество рукописных текстов которые необходимо оцифровать и распознать, изображения рукописных текстов которые необходимо изучить превышает несколько тысяч. Проблемы создания методов и алгоритмов, направленных на решение проблемы распознавания рукописей, до конца не изучены. А это вызывает необходимость разработки гибридных алгоритмов распознавания изображений рукописного текста.

В нашей стране особое внимание уделяется внедрению информационных и коммуникационных технологий по распознаванию рукописей во все экономические и социальные сферы. В 2017 году Президент Республики Узбекистан издал указ о мерах по дальнейшему совершенствованию системы сохранения, изучения и популяризации древних письменных источников, в том числе определены задачи «...Контроль за состоянием сохранности рукописей, литографий и исторических документов арабской графикой, хранящихся в различных организациях Республики Узбекистан, и создание их электронной базы данных»⁴. При выполнении этих задач достигнуты определенные результаты в распознавании изображений рукописей для создания электронной базы данных печатного текста рукописей. На основе обучения моделей нейронными сетями в этой области были разработаны гибридные алгоритмы распознавания арабских, кириллических и латинских рукописей при изучении исторических источников рукописей. Так как задачи поиска, обработки, хранения данных на основе обработки изображений текста

³B. Al-Badr and S. A. Mahmoud, "Survey and Bibliography of Arabic Optical Text Recognition," Elsevier Signal Processing, vol. 41, pp. 49-77, 1995.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори

рукописи решаются быстро, разработка гибридных алгоритмов распознавания рукописных текстов является одним из актуальных задач.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, обозначенных в Указах Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», №УП-5349 от 19 февраля 2018 г. «О мерах по дальнейшему совершенствованию сферы информационных технологий и коммуникаций», Постановлениями Президента Республики Узбекистан от 29 августа 2017 года №ПП-3245 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы управления проектами в сфере информационно-коммуникационных технологий», а также в других нормативно-правовых документах, связанных с этой деятельностью.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики IV. «Информатизация и развитие информационно-коммуникационных технологий».

